**ДЕКАБРЬ**

**ОЙ МАВЗУСИ: “ҚИШ ЗИЙНАТИ”**

| | |
|---|---|
| **Гурух** | **Ўрта** |
| **Мавзу** | **Эртаклар оламига меҳмонга** |
| **Муддат** | **Декабрь ойининг 3-ҳафтаси** |

| | | |
|---|---|---|
| **Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар** | **Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши** | Югуриш, тиззани баланд кўтариш, чегарадан сакраб ўтиш, арқончада сакраш ҳаракатларини ривожлантириш, коптокни ерга уриш, ўнг тарафга бурилиш, тўрли тутқич ёрдамида учиб ва сузиб келаётган майда нарсаларни тутиш, совун кўпигини ҳосил қилиш малакаларини шакллантириш |
| | **Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш** | Ўйин жараёнида дўстона мулоқотга киришиш ва ўзининг ўйинчоқлари билан бўлишиш, катталар эслатмаларисиз катталар билан саломлашиш ва хайрлашиш, катталар билан муомалада ўзини эркин тута билиш, ўз фикрини билдира олиш, совғалар қабул қилганда ва байрамларда хурсанд бўлиш ҳисларини шакллантириш |
| | **Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари** | Нутқда сўзларни ҳар хил мимика ва имо-ишоралар билан ифодалашга, фикрни баён эта олиш |
| | **Билиш жараёнининг ривожланиши** | Нарса ва геометрик шаклларнинг фарқини, рақамларнинг миқдорий таркибини, математик тушунчаларни, нарсаларни таққослашни, “катта-кичик”, “тенг” тушунчаларини бойитиш |
| | **Ижодий ривожланиш** | Ижодий қизиқишларни ошириш, ижодга йўналтириш |

| **Ривожланиш марказлари** | | **Таълимий-тарбиявий фаолият** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **Душанба** | **Сешанба** | **Чоршанба** | **Пайшанба** | **Жума** | **Ресурслар** |
| **Эркин фаолият** | **Қуриш-ясаш ва математика** | Эртак қаҳрамонлари учун уйча | | | | | Кубик, лего, намуна |
| | **Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш** | “Янги йил орзуси” торти | | | | | Ниқоб, арча, ошхона анжомлари, арча ўйинчоқлари |
| | **Тил ва нутқ** | Ўзбек халқ эртагини тинглаш: Ростгўйлик | | “Тулки ва турна” эртагини қайта ҳикоя қилиш | | | Эртаклар асосида расмлар |
| | **Фан ва табиат** | Қишда ёввойи ҳайвонлар ҳаёти | | | | | АКТ |
| | **Санъат** | Лой иши: Менинг севимли эртак қаҳрамонларим | | Аппликация: “Уч чўчқача” эртагидаги рангли уйча | | Расм: Эртакдаги уйча | Канцелярия жиҳозлари |
| | **Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш** | | | | | | |

## ДЕКАБРЬ. УЧИНЧИ ХАФТА
## ЭРТАКЛАР ОЛАМИГА МЕҲМОНГА

***Қуриш-ясаш ва математика маркази***

**Эртак қаҳрамонлари учун уйча**

**Мақсад:** болалар уй қуриш жараёнини биладилар, турли шакллардан фойдаланиш малакасига эга бўладилар, уй қисмларини тўғри жойлаштирадилар.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** намуна, кубик, лего

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Намунани кўриб чиқиш.
2. Бажариладиган ишни режалаштириш.
3. Керакли жиҳозларни танлаш.
4. Ижодий иш.
5. Ишлар таҳлили.

**Қўшимча:** Уйчаларни ўйинчоқлар билан тўлдириш ва ривожлантирувчи ўйинлар ўйнаш.

**Эътиборга молик жиҳати:** фаоллик ва қизиқувчанликни янада ривожлантириш.

***Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази***

**“Янги йил орзуси” торти**

**Мақсад:** болалар янги йил байрамини нишонлаш, байрам учун байрамона дастурхон безашни биладилар, байрамона тортни безатадилар.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қоғоз қутидан ясалган торт, арча ва унинг ўйинчоқлари, ошхона анжомлари, совға учун ўйинчоқлар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Жиҳозларни кўриб чиқиш.
2. Ўйинни режалаштириш.
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Ўйин фаолияти.
5. Якунлаш, рағбатлантириш.

**Қўшимча:** безатилган дастурхон атрофига дўстларни таклиф қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** ўйинда биргаликда иштирок этиш ва жамоанинг фикрини инобатга олиш.

***Тил ва нутқ маркази***

**“Ростгўйлик” ўзбек халқ эртагини тинглаш**

**Мақсад:** болалар эртак мазмунини тушунадилар, эртак мазмунини сўзлаб берадилар.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:**АКТ, эртак сюжети бўйича расмлар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Мавзуга оид расмларнинг таҳлили.
2. «Сўзни қўш» таълимий ўйини
3. Эртакни тинглаш.
4. Эртак мазмунини сўзлаб бериш.

**Қўшимча:** эртакка оид саволлар: Деҳқон ўз дўстидан нимани сўради? Ер ҳайдаётган деҳқон нима топиб олди? Деҳқон тилла солинган хумчани кимга олиб борди? Дўсти унга нима деди? Улар одамларга қандай яхшилик қилишди?

**Эътиборга молик жиҳати:** содда сўзларни нутқда ишлатилиши, эртакнинг мазмун-моҳиятини тўғри етказиш.

***Тил ва нутқ маркази***

**"Тулки ва турна" эртагини қайта ҳикоя қилиш**

**Мақсад:** болалар эртак мазмунини биладилар, эртак мазмунини қайта ҳикоялаб берадилар.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:**АКТ, эртак асосида расмлар

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Расмларни кўриш ва таҳлил қилиш.
2. Эртакни тинглаш.
3. Эртакни қайта ҳикоя қилиб бериш.

**Қўшимча:** эртак қаҳрамонларининг расмини чизиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** боғланишли нутқни ривожлантириш.

***Фан ва табиат***

**Қишда ёввойи ҳайвонлар ҳаёти**

**Мақсад:** болалар ёввой ҳайвонлар, уларнинг ташқи кўриниши ва ҳаёт тарзи ҳақида тасаввурга эга бўладилар**.** "Қишда ёввойи ҳайвонлар ҳаёти" мавзусига доир сўз бойлигини фаоллаштирадилар.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қишки ўрмон макети ва ширма, катта қўғирчоқ, ёввойи ҳайвонлар тасвирланган карточкалар, ёввойи ҳайвонлар ўйинчоқлари, мальберт, қор парчалари.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. "Ёввойи ҳайвонлар" мавзусида суҳбат.
2. Ёввойи ҳайвонлар расмларини кўриб таҳлил қилиш.
3. "Қишки ўрмонга саёҳат" таълимий ўйини
4. Қишда ёввойи ҳайвонларнинг озиқланиши, ҳаёт тарзи, уларни асраш ҳақида фильм намойиши ва таҳлили.

**Қўшимча:** Ёввой ҳайвонлар ҳақида топишмоқлар.

**Эътиборга молик жиҳати:** табиатни севиш, уни асраш хақидаги билимлар.

***Санъат маркази***

**Лой иши: Менинг севимли эртак қаҳрамонларим**

**Мақсад:** болалар эртак қаҳрамонлари образларини ясашда лой ва пластилинни тўғри тақсимлайдилар, ҳайвонларни ясашда ҳар хил усуллардан фойдаланадилар, болаларда бармоқларнинг майда моторикаси, нутқининг лексик, грамматик тузилиши ривожланади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:**намуна, лой, мавзу асосида расм, қоғоз салфеткалар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. "Бўғирсоқ", "Уч айиқ", "Маша ва айиқ", "Уйча", "Тулки-бўри", "Уч чўчқача", "Тулки ва кўза" эртаклари сюжетларига оид расмларни томоша қилиш.
2. Намуналарни кўриб чиқиш.
3. Бажариладиган ишни режалаштириш.
4. Ижодий иш.
5. Болалар ишларининг таҳлили. Рағбатлантириш

**Қўшимча:** болалар нутқининг лексик, грамматик тузилишини ривожлантириш.

**Эътиборга молик жиҳати:** ижодий қобилиятни ривожлантириш, бадиий адабиётга қизиқишни ошириш.

***Санъат маркази***

**Аппликация: "Уч чўчқача" эртаги асосида рангли қоғоздан уйча**

**Мақсад:** болалар рангли қоғоз ва картон билан ишлайдилар, уйча ясай оладилар, рангларни ажратадилар.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** намуна, рангли қоғоз, елим, қайчи, салфетка, картон, расмлар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Эртак асосидаги расмлар билан танишиш.
2. Намунани кўриб чиқиш.
3. Керакли жиҳозларни танлаб олиш.
4. Ижодий иш.
5. Болалар ишлари намойиши.

**Қўшимча:**"Уч чўчқача" эртагини ўқиш, мультфильм томоша қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** ишни бажариш жараёнида тозаликка риоя қилиш, сабрлилик.

***Санъат маркази***

**Расм:Эртакдаги уйча**

**Мақсад:** болалар расмга қараб "Уйча" эртаги образини яратадилар ўз тасаввурлари ва хоҳишлари асосида эртакдаги уйчани мустақил безайдилар.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** намуна, рангли қарам, квадрат шаклидаги қоғоз, расмлар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Расмларни кўриб чиқиш.
2. "Уйча" эртагини ёдга олиш.
3. Намунани кўриб чиқиш.
4. Ижодий иш.
5. Болалар ишларининг намойиши. Рағбатлантириш

**Қўшимча:** стол театри ўйини.

**Эътиборга молик жиҳати:** қаламни тўғри ушлаш, тўғри чизиш ва озода бўяш малакаларини ривожлантириш.